

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.В.02.08  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РОХИМОВА ШИРИН ОЛЛОНАЗАРОВНА**

**ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ДИАБЕТ НЕГИЗИДА ТУРКЕСТЕРОННИНГ  
НУТРИЕНТЛАР АССИМИЛЯЦИЯСИГА ТАЪСИРИ**

**03.00.08 – Одам ва ҳайвонлар физиологияси**

**Биология фанлари бўйича фалфаса доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление авторефератов диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Рохимова Ширин Олланазаровна**

Экспериментал диабет негизида туркестероннинг

нутриентлар ассимиляциясига таъсири..... 3

**Рохимова Ширин Олланазаровна**

Влияние туркестерона на ассимиляцию нутриентов

при экспериментальном диабете..... 21

**Rokhimova Shirin Ollanazarovna**

The effect of turkesterone on the nutrient assimilation at

experimental diabetes ..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.В.02.08  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РОХИМОВА ШИРИН ОЛЛАНАЗАРОВНА**

**ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ДИАБЕТ НЕГИЗИДА ТУРКЕСТЕРОННИНГ  
НУТРИЕНТЛАР АССИМИЛЯЦИЯСИГА ТАЪСИРИ**

**03.00.08 – Одам ва ҳайвонлар физиологияси**

**Биология фанлари бўйича фалфаса доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/В150 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси [www.samdu.uz](http://www.samdu.uz) манзилига ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

|                            |   |
|----------------------------|---|
| <b>Илмий раҳбар:</b>       | <b>Кучкарова Любовь Салижановна</b><br>биология фанлари доктори, профессор  |
| <b>Расмий оппонентлар:</b> | <b>Матчанов Азат Таубалдиевич</b><br>биология фанлари доктори, профессор<br><b>Хайитов Даврон Ғайбуллаевич</b><br>Биология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори |
| <b>Етакчи ташкилот:</b>    | <b>Гулистон давлат университети</b>   |

Диссертация ҳимояси Самарқанд Давлат университети ҳузуридаги PhD. 03/30.12.2019.В.02.08 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_соат\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй, Самарқанд давлат университети Биология факультети биноси, 2-қават мажлислар зали. Тел.: (+99866) 239-11-40, факс: (+99866) 239-11-40, E-mail: [devonxona@samdu.uz](mailto:devonxona@samdu.uz).)

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй, Ахборот-ресурс маркази. Тел.: (+99866) 239-11-51), E-mail: [m\\_nasrullayeva@mail.ru](mailto:m_nasrullayeva@mail.ru).)

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**З.Т.Ражамуродов**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор

**М.С.Кузиев**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби, биология фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори, доцент

**Х.Қ.Хайдаров**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги кунда қандли диабет касаллиги Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан XXI асрнинг эпидемияси деб эълон қилинди. Диабет касаллиги тарқалишининг кенгайиши глобал тиббий ва ижтимоий муаммоларини келтириб чиқармоқда<sup>1</sup>. Ҳалқаро диабет федерацияси статистикасига кўра дунёда диабетга чалинганлар сони 2019 йилда 463 миллион атрофида эканлиги қайд қилинди<sup>2</sup>. Диабет организмдаги деярли барча функционал тизимларга салбий таъсир қилиб, жисмоний ва ақлий қобилиятини сусайтириб, умрни қисқартиради. Сўнгги йилларда бу касалликни даволашда полифункционал позитив таъсирларга эга бўлган, салбий таъсирлари бўлмаган фитопрепаратларга эҳтиёж ортиб бормоқда. Бу борада маҳаллий ўсимликлардан олинган биологик фаол моддалардан антидиабетик таъсирга эга бўлган препаратларни аниқлаш ва яратиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда дунё миқёсида қандли диабетнинг физиологик ва молекуляр механизмлари, ҳамда унинг салбий оқибатлари атрофлича ўрганилмоқда. Диабетни олдини олувчи ва коррекцияловчи хоссаларига эга бўлган зарарсиз фитопрепаратларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада фитоэкидистероидларни анаболик, стресспротектор, антиоксидант, антирадикал, бактерицид, иммуномодуловчи, адаптоген ва гипогликемик хусусиятлари мутахасисларни жалб этмоқда. Диабетда меъда ости беши ва бошқа ҳазм органлар гистоструктураси ва гидролитик фаоллигидаги асоратларини коррекциялаш учун полифункционал таъсирга эга бўлган фитоэкидистероидларнинг панкреатик эндосекрециясига таъсирини чуқур ўрганиш асосида янги самарали ёндашувларини ишлаб чиқиш тақозо этилади. Диабет касаллигини олдини олиш ва даволаш учун самарали экологик соф усулларни ишлаб чиқиш - ҳозирга замон диабетологиянинг энг долзарб муаммолардан биридир.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда диабет касаллигини олдини олиш ва даволаш учун маҳаллий хом ашёлар асосида олинган арзон ва юқори сифатли дори-дармон ва импорт ўрнини босувчи фармакологик воситалар билан таъминлашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4-йўналишида «... фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш» юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган<sup>3</sup>. Бу борада маҳаллий ўсимликлардан олинган импорт аналогларнинг ўрнини босувчи препаратлар

<sup>1</sup> [https://www.who.int/health-topics/diabetes#tab=tab\\_1](https://www.who.int/health-topics/diabetes#tab=tab_1)

<sup>2</sup> <https://www.diabetesatlas.org/en/sections/worldwide-toll-of-diabetes.html//idf.org/>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги № ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

ҳисобига самарали ва арзон фармацевтика маҳсулотларини аниқлаш ва яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони, 2018 йил 23 январдаги ПҚ-3489-сонли «Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора тадбирлари тўғрисида» ги Қарори, 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сонли «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора тадбирлари тўғрисида» ги Қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Бугун кунда дунё бўйича қандли диабет касаллигини ривожланиши асосида ётувчи механизмларни аниқлаш ва уларни фитопрепаратлар билан даволаш усулларини ишлаб чиқиш учун фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда (Singh et al., 2016; Wang et al., 2017). Диабет касаллигида қон-томир, асаб тизими, айирув, эндокрин, сенсор тизимлардаги ўзгаришлар яхши ўрганилган ва уларнинг дисфункцияси органлар микроциркуляциясига издан чиқишига боғлиқлиги кўрсатилган (Dedov et al., 2014; Mottalib et al., 2017).

Қандли диабетда ҳазм йўли моторикасининг сусайиши вегетатив нейропатия, силлиқ мускуллар тонусининг камайиши ва микробиомнинг ўзгаришлари билан боғлиқлиги кўрсатилган (Yarandi et al., 2014). Диабетик нейропатияни даволашда фитокомплексларни қўллаш анъанавий даволаш билан таққосланганда юқорироқ фармакологик ва иқтисодий самарадорлиги кўрсатган (Verma et al., 2018; Solanki et al., 2018).

МДХ давлатларида Дармограй В.Н. ва бошқ. (2001), Петрова Н. ва бошқ. (2011), Сыров В.Н. ва бошқ. (2012), Шахмурова Г.А. ва бошқ. (2016) ўсимлик экдистероидларини анаболик, стресспротектор, антиоксидант, антирадикал, бактерицид ва гипогликемик таъсири ўрганилган.

Ўзбекистонда диабет касаллигида кузатиладиган биокимёвий жараёнларни антиоксидант ва гипогликемик хоссаларга эга бўлган ўсимлик экстрактлари билан коррекциялаш изланишлари академик Саатов Т.С. (2018) бошчилигида ўрганилмоқда. Митохондридаги катионлар транспорти ва липидларнинг перекисли оксидланиши жараёнларига фитопрепаратларнинг таъсири профессор Асраров М.И. (2018) раҳбарлигида ўрганилмоқда. Шунингдек, профессорлар В.Н. Сыров, Г.А. Шахмурова, З.А. Хушбактова ва бошқалар томонидан гипергликемияда айрим фитоэкдистероидлар ва улар аралашмаларининг позитив таъсири аниқланган (Сыров В.Н. ва бошқ. 2012; Шахмурова Г.А. ва бошқ. 2013; 2016). Шунинг учун биологик фаол

моддаларни гипогликемик ва антидиабетик потенциалини, ҳамда диабет асоратларини коррекциялашни комплекс таҳлил қилиш бўйича изланишлари долзарб бўлиб, илмий-амалий аҳамият касб этади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг «Одам ва хайвонлар физиологияси» кафедрасининг «Турли биологик фаол моддаларни организмдаги модда ва энергия алмашинувига таъсирини меъёр ва патологияда ўрганиш» мавзуси (2012-2016 йй) доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** экспериментал диабетда нутриентлар ассимиляцияси ва ҳазм органлари гистоструктурасига туркестероннинг таъсирини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

экспериментал диабет негизида туркестероннинг каламушлар тана ва ҳазм органлари массага таъсирини аниқлаш;

аллоксан диабетда қондаги айрим кўрсаткичларга туркестероннинг таъсирини аниқлаш;

экспериментал диабетда туркестероннинг меъда ости беши гистоструктурасига таъсирини тадқиқ қилиш;

туркестероннинг диабетик каламушларда меъда ости бешидаги гидролитик кўрсаткичларга таъсирини аниқлаш;

экспериментал диабетда ингичка ичак гистоструктурасига юзага келган бузилишларни коррекциялашда туркестероннинг таъсирини аниқлаш;

аллоксан диабет негизида туркестероннинг энтерал дисахаридазалар фаоллигига таъсирини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида оқ зотсиз эркак каламушлар, аллоксан-индуцирланган диабет, меъда ости беши ва ингичка ичак гистоструктураси, қон зардоби, ичак химуси, туркестеронлар танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** аллоксан-индуцирланган диабетда меъда ости беши ва ингичка ичакнинг деструктурланиши ва дисфункцияси, ҳамда туркестероннинг ҳазм органлар гистоморфологиясига ҳамда углеводларнинг бошланғич ва сўнгги гидролизига таъсирини тадқиқ этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллар.** Тадқиқотни бажариш давомида белгиланган вазифаларга мос ҳолда замонавий физиологик, гистологик, биокимёвий, иммунофермент ва статистик усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагиларидан иборат:

аллоксан диабет чақирилган каламушлар меъда ости бешида эндокрин оролчалар билан экзокрин ацинуслар ва ингичка ичак эпителий қаватида деструктурланиши, шишиши ва яллиғланиши аниқланган;

экспериментал диабетда меъда ости беши секрециясининг сустлашуви ва инкрециясининг ошиши исботланган;

экспериментал диабет чақирилган каламушлар меъда ости беши ва ингичка ичак шиллиқ қаватига туркестероннинг регенератив, антиинфламатор таъсир кўрсатиши очиб берилган;

аллоксан диабетик каламушларда туркестерон таъсири натижасида панкреатик  $\alpha$ -амилазанинг секрецияси ва инкрециясининг меъёрлашуви исботланган;

экспериментал диабетда кузатилган энтерал дисахаридазалар фаоллиги индукциясининг туркестерон таъсирида меъёрлашуви аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

туркестероннинг гипогликемик, регенератив ҳамда меъда ости беши инкреция ва секрециясини коррекцияловчи таъсири диабет касаллигини олдини олиш ва даволаш учун янги самарали дори воситаларини яратиш учун тавсиялар ишлаб чиқилган;

диабетда ингичка ичакда углеводлар ассимиляциясини меъёрлаштиришда туркестероннинг таъсир этиш механизмлари асосида уни антиэнтероколитик препарат сифатида қўллаш мумкинлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** уларнинг замонавий физиологик, гистологик ва биокимёвий тадқиқот усулларини қўллаш орқали олинганлиги билан тасдиқланади. Солиштирилган кўрсаткичлардаги фарқларнинг ишончлилигини статистик таҳлил қилиш учун Excel дастури ва OriginPro7,5 (OriginLab Corporation, АҚШ) дастурий пакети қўлланилди. Натижалар ишончлигини Стьюдент коэффиценти (t) ва ишонччилик даражаси (P) ёрдамида аниқланди.  $P \leq 0,05$  дан кичик бўлганда натижалар статистик жиҳатдан муқаррар деб қабул қилинди. Олинган натижалар ишончлиги уларнинг республика ва халқаро анжуманлардаги муҳокамаси ва рецензияланган илмий нашрларда чоп этилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти экспериментал диабетда панкреатик секрецияси ва инкрециясининг асинхронлигини, меъда ости беши ва ингичка ичакнинг патогистологияси, ҳамда углеводлар ассимиляциясининг бузилишини тадқиқ этувчи маълумотлар диабетологияни янги далиллар билан бойитиши билан боғлиқ. Шунингдек, аниқланган ҳодисаларнинг аҳамияти орган ва тизим даражасидаги морфофункционал ўзгаришларга туркестероннинг коррекцияловчи таъсири тўғрисидаги ҳозирги замон илмий тасавурларни кенгайтириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти экспериментал диабетда меъда ости беши ва ингичка ичак гистоструктурасига, ҳамда поли- ва олигосахаридларнинг гидролизига туркестероннинг коррекцияловчи таъсири билан асосланган. Демак, амалий гастроэнтерологияда туркестеронни меъда ости беши ва ингичка ичак дисфункцияларни даволаш учун тавсия қилиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Экспериментал диабетда туркестероннинг углеводлар ассимиляциясига таъсири бўйича олинган натижалар асосида:

туркестероннинг гипогликемик ва антиинфламаторлик хоссалари ФА-А11-Т040 рақамли “*Pulicaria gnaphalodes* ўсимлиги компонентлардан антиоксидант “Пуликарон” дори воситасини яратиш” лойиҳасида *Pulicaria*

*gnaphalodes* таркибидаги салвифолиннинг экспериментал диабетда қондаги гомеостаз кўрсаткичларнинг ўзгаришига меъёрлаштирувчи таъсирини коррекциялашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 24 июльдаги 4/1255-1534-сон маълумотномаси). Натижада тирик организмларнинг физиологик кўрсаткичларига ноҳуя таъсир кўрсатмайдиган янги антидиабетик воситани яратиш имконини берган.

туркестероннинг диабетда панкреатик  $\alpha$ -амилаза гомеостазига таъсири бўйича натижалар ПЗ-20170927122-рақамли «*Ferula foetida* ўсимлигининг камеди-смоласи асосида субстанциялар яратиш ва специфик фармакологик хоссаларни баҳолаш» мавзусидаги лойиҳада комеди-смласи таркибидаги биологик фаол моддаларнинг амилаземик ва гипогликемик хоссаларини тавсифлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 7 октябрдаги 4/1255-2158-сон маълумотномаси). Натижада амилаземик ва гипогликемик воситаларни яратиш учун янги истиқболли биологик фаол моддаларни аниқлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 8 та республика ва 3 та халқаро илмий анжуманларда муҳокама қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижалари чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 4 та мақола, шулардан 3 та республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 97 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қандли диабет ва ҳазм тизими ҳақида замонавий тадқиқотлар тавсифи**» деб номланган биринчи бобида қандли диабет ва унинг ҳазм органларга таъсири ҳақида кенг маълумотлари замонавий адабиётлар асосида етарлича кенг ёритилган. Меъда ости беши ва ингичка ичакнинг ҳазм жараёнида иштироки, ингичка ичакнинг тузилиш ва функционал хусусиятлари ҳамда фитоэкидистероидлар истиқболли мультифункционал препаратлар сифатида тавсифланган.

Диссертациянинг «**Экспериментал диабетда углеводлар ассимиляциясини ўрганиш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотда фойдаланилган ҳайвонлар, экспериментлар схемаси, аллоксан диабетни моделини олиш, меъда ости беши ва ингичка ичакнинг гистологик ва ферментатив фаол препаратларни тайёрлаш, ҳамда қон биокимёвий кўрсаткичлар (глюкоза, С-пептид, умумий оқсил), ва ҳазм органлар ферментатив фаоллигини ( $\alpha$ -амилаза, мальтаза, сахараза, лактаза) аниқлаш усуллари ёритилди. Тажрибаларда каламушлар 4 гуруҳга бўлинди: 1-чи - позитив назорат гуруҳи (ПН, физиологик эритма юборилган ҳайвонлар); 2-чи - негатив назорат гуруҳи (НН, 170 мг/кг дозасида бир маротаба қорин ичига аллоксан юборилган каламушлар); 3- (АД+Т) ва 4-тажриба (АД+Г) гуруҳларида аллоксан индуцирланган диабетнинг негизида каламушларга мувофиқ равишда туркестерон (10 мг/кг/24 с) ва глибенкламидлар (5 мг/кг/24 с) 10 кун давомида юборилган ҳайвонлар.

Диссертациянинг «**Туркестероннинг экспериментал диабет негизида қон кўрсаткичлари, ҳазм органларнинг гистоструктураси ва гидролитик фаоллигига таъсири**» деб номланган учинчи бобида туркестероннинг экспериментал диабетда морфометрик ва қон кўрсаткичларига, меъда ости беши ва ингичка ичагининг гистоструктураси ва карбогидразалар фаоллигига, таъсири бўйича натижалар берилди.

*Туркестероннинг экспериментал диабетда морфометрик ва қон кўрсаткичларига таъсири.* Морфометрик кўрсаткичлардан тана массаси, меъда ости беши ва ингичка ичак массаси мисолида, қон кўрсаткичлардан эса зардобдаги глюкоза, инсулин, С-пептид миқдори мисолида назорат ва экспериментал гуруҳ ҳайвонларида аниқланди.

Каламушлар морфометрик кўрсаткичлар бўйича олинган натижалар 1-жадвалда келтирилди.

*Тана массаси.* Аллоксан-индуцирланган диабетик каламушларда тажрибанинг охирида тана массаси 21,2% га позитив назоратга нисбатан камайди. Экспериментал диабетнинг негизида каламушларга туркестероннинг юборилиши натижасида кузатувнинг 5-куниёқ тана массаси позитив назоратдаги катталикларга тенглашди.

### 1-жадвал

Экспериментал диабетда туркестероннинг каламушлар тана (г), меъда ости беши (г) ва ингичка ичак массасига(г) таъсири ( $M \pm m$ ;  $n=6$ )

| Ҳайвон гуруҳлари | Тана массаси     |                    | Меъда ости беши   |                   | Ингичка ичак  |               |
|------------------|------------------|--------------------|-------------------|-------------------|---------------|---------------|
|                  | Тажриба кунлари  |                    |                   |                   |               |               |
|                  | 5-кун            | 10-кун             | 5-кун             | 10-кун            | 5-кун         | 10-кун        |
| ПН               | 197,0 $\pm$ 5,4  | 207,0 $\pm$ 9,2    | 0,62 $\pm$ 0,04   | 0,63 $\pm$ 0,05   | 6,4 $\pm$ 0,5 | 7,2 $\pm$ 0,6 |
| НН               | 172,0 $\pm$ 4,9* | 163,2 $\pm$ 8,4*** | 0,44 $\pm$ 0,05** | 0,40 $\pm$ 0,03** | 5,6 $\pm$ 0,4 | 5,5 $\pm$ 0,5 |
| АД+Т             | 190,3 $\pm$ 6,7  | 227,8 $\pm$ 8,3    | 0,58 $\pm$ 0,02   | 0,61 $\pm$ 0,03   | 5,8 $\pm$ 0,5 | 8,2 $\pm$ 0,7 |
| АД+Г             | 176,9 $\pm$ 8,0  | 217,6 $\pm$ 11,1   | 0,55 $\pm$ 0,04   | 0,60 $\pm$ 0,02   | 5,9 $\pm$ 0,6 | 8,1 $\pm$ 0,8 |

Изоҳ: \* -  $P < 0,05$ ; \*\* -  $P < 0,01$ ; \*\*\*-  $P < 0,001$

Глибенкламиднинг таъсирида эса диабетик каламушларда тана массасининг тикланиши кечроқ, тажрибанинг 10-куни кузатилди.

*Меъда ости беги массаси.* Меъда ости беги массаси аллоксан-индуцирланган диабетик каламушларда позитив назорат катталикларга нисбатан кузатувнинг 5-куни 29,1% га ва 10-куни 36,6% га статистик жиҳатдан муқаррар равишда камайди.

Аллоксан-индуцирланган диабетик каламушларга туркестерон ва глибенкламидларнинг юборилиши натижасида меъда ости безининг массаси мувофиқ равишда кузатувнинг 5-куни позитив назорат катталикларгача тикланди ва кузатувнинг 10-куни шу даражада сақланди.

*Ингичка ичак массаси.* Диабетик каламушлар ингичка ичаги массаси позитив назорат гуруҳдаги каламушлар ингичка ичак массасига нисбатан тажрибанинг 5- куни 12,5 % га, 10-куни эса 23,7 % га камайди. Аллоксан-индуцирланган диабетик каламушларга туркестерон ва глибенкламидларнинг юборилиши ингичка ичак массасининг физиологик эритма юборилган каламушлар катталикларига яқинлашуви тажрибанинг 5-кунида қайд этилди.

Туркестероннинг экспериментал диабет негизида каламушлар қон кўрсаткичларига таъсири бўйича натижалар 2-жадвалда берилди.

*Глюкоза.* Аллоксан-индуцирланган диабетнинг таъсирида каламушлар қон зардобида глюкозанинг миқдори кузатувнинг 5- ва 10-кунлари мувофиқ равишда 3,5 ва 3,4 баробар ортиб кетди. Туркестероннинг таъсирида диабетик каламушларда тажрибанинг охирида глюкозанинг миқдори камайса ҳам, позитив назорат катталиклардан статистик жиҳатдан муқаррар равишда 1,2 баробар юқори даражада қайд этилди.

## 2-жадвал

Экспериментал диабет негизида туркестероннинг каламушлар қон зардобидаги кўрсаткичларига таъсири ( $M \pm m$ ;  $n=6$ )

| Ҳайвон гуруҳлари | Глюкоза<br>Ммоль/л |             | Инсулин<br>μЕ/л |             | С-пептид<br>нг/мл |              |
|------------------|--------------------|-------------|-----------------|-------------|-------------------|--------------|
|                  | Тажриба кунлари    |             |                 |             |                   |              |
|                  | 5-кун              | 10-кун      | 5-кун           | 10-кун      | 5-кун             | 10-кун       |
| ПН               | 4,8±0,6            | 5,3±0,4     | 2,8±0,15        | 3,1±0,19    | 0,72±0,02         | 0,75±0,03    |
| НН               | 16,2±0,7***        | 17,8±0,8*** | 1,7±0,12***     | 1,9±0,10*** | 0,14±0,03***      | 0,11±0,02*** |
| АД+Т             | 8,7±0,8**          | 6,5±0,3     | 2,2±0,14**      | 2,7±0,25    | 0,48±0,03***      | 0,55±0,03*** |
| АД+Г             | 11,1 ± 0,6***      | 6,8±0,5*    | 2,1±0,18**      | 2,8±0,14    | 0,45±0,02***      | 0,56±0,03*** |

Изоҳ: \* -  $P < 0,05$ ; \*\* -  $P < 0,01$ ; \*\*\*-  $P < 0,001$


*Инсулин.* Экспериментал диабетнинг таъсирида қон зардобида инсулиннинг миқдори позитив назоратга нисбатан тажрибанинг 5-куни 2,5 баробар, 10-куни эса 2,6 баробарга камайган эди.

Диабет чақирилган каламушларга туркестерон юборилганда қон зардобида таркибида гормоннинг миқдори ошса ҳам, тажрибанинг якунида инсулиннинг миқдори позитив назоратга нисбатан статистик жиҳатдан муқаррар даражада кам эканлиги қайд этилди. Глибенкламиднинг диабетик

каламушларга коррекцияловчи таъсири ҳам фитостероиднинг таъсирига ўхшаш эди.

*С-пептид.* Аллоксан-индуцирланган диабетик каламушлар қон зардоби таркибида инсулин миқдори камайишидан кўра С-пептиднинг камайиши кескинроқ ифодаланди. Тажрибанинг 5-куни экспериментал диабетик каламушларда қон зардобидаги С-пептиднинг миқдори позитив назорат катталикларига нисбатан 5,1 баробар, 10-куни эса 6,8 баробарга камайиши қайд этилди. Аллоксан-индуцирланган диабет негизида 5 кун давомида туркестерон ва глибенкламидларнинг юборилиши натижасида С-пептид миқдорининг тикланиш тенденцияси намоён бўлиб, кузатувнинг охиригача сақланди.

*Меъда ости беши гистоструктураси.* Микроскопия жараёнида позитив назорат гуруҳи каламушларда меъда ости беши тўқимаси экзокрин қисми, яъни ацинусларда эпителий хужайраларининг шакли, асосан, думалок, бир қаторда жойлашганлиги қайд этилди. Бизнинг эндокрин оролчалари думалок шаклда, таркибида  $\beta$ -хужайралари нисбатан кўплиги қайд этилди. Эндокрин оролчаларининг марказида  $\beta$ -хужайралар, четки қисмларида эса  $\alpha$ - ва бошқа хужайралари жой олганлиги кузатилди (1-расм, А).



**1-расм.** Назорат ва тажриба гуруҳ каламушларда меъда ости бешининг гистоструктураси. А - позитив назорат; Б - негатив назорат. С - аллоксан-индуцирланган диабет негизида туркестерон юборилган каламушлар; Д- аллоксан-индуцирланган диабет негизида глибенкламид юборилган каламушлар; Бўёк: Г-Э; ок. 10, об.20. Микроскоп: Leake DN-300M, Германия.

Аллоксан-индуцирланган диабетик каламушларнинг патоморфологик ўзгаришлари, асосан, меъда ости беши оралиқ тўқимаси ва эндокрин

оролчаларида яққол кўринди. Оралиқ тўқима кенгайганлиги туфайли безнинг ҳам эндокрин оролчалари, ҳам экзокрин ацинуслари сиқилиб, айримлари некробиозга учради. Аллоксан-индуцирланган диабетик каламушлар меъда ости беши ацинусларининг структуравий гомогенлик тўла йўқолганлиги, периваскуляр яллиғланиши ҳамда эндокрин оролчалар атрофияси яққол қайд этилди. Эндокрин без ячейкаларнинг ҳар хил катталиқда ва шаклда, кучли шишганлиги, тўқима хужайраларининг некробиози ва яллиғланиши кузатилди. Экзокрин без тўқимасида яллиғланиш инфилтрати ва бириктирувчи тўқиманинг кўпайиши ҳамда ацинусларда тарқоқ ҳолдаги паренхиматоз дистрофия ривожланиши қайд этилди. Айрим ацинуслар эпителий хужайраларининг некробиози ҳам кузатилди (1-расм, Б).

Аллоксан-индуцирланган диабетик каламушларда туркестерон юборилгандан кейин без тўқимасида дисциркулятор ўзгаришлар рўй берди. Мазкур ўзгаришлар кенгайган қон томирларнинг торайиши, оралиқ тўқима шининг нисбатан сустлашуви, гиперемия, дистрофия ҳамда яллиғланиш инфилтратининг камайишида кузатилди.


Диабетик каламушларда экзокрин без қисмидаги ацинуслари бир оз катталашди, эпителий хужайралари цитоплазмаси оксилли модданинг кўпайиши ҳисобига йириклашди. Эндокрин оролчаларнинг гистологик ва топографик тузилмалари бироз тикланди, оролчаларнинг чегаралари аниқ, асосан, шакли думалоқ эканлиги қайд этилди. Мазкур гуруҳ каламушлар меъда ости беши экзокрин ва эндокрин без тузилмаларида дистрофик ва деструктив ўзгаришларнинг камайганлиги ҳамда асосий хужайралар морфогистологик ҳолатининг меъёрга яқинлашганлиги кузатилди. Эндокрин хужайраларнинг нисбатан гиперхром бўйлиши, уларнинг функционал хусусиятларининг тикланишидан далолат беради. Бу эса, препаратнинг терапевтик таъсири оқибатида безнинг эндокрин функцияси меъёрлашувини морфологик жиҳатдан исботлайди (1-расм, С).

Аллоксан диабет чақирилган каламушларга глибенкламиднинг юборилиши меъда ости без тўқимаси гистоструктурасида ҳам экзокрин, ҳам эндокрин без тузилмалари дифференциалланганлиги ва ўз гистотопографиясини тикланишига олиб келди. Бу без хужайраларининг гематоксилин ва эозин бўёқлари билан яхши бўйланганлиги билан ифодаланди. Хужайра цитоплазмаси ва ядроси специфик тузилмаларнинг меъерий структуравий ўзгаришларининг тикланиши, яъни улар структураларнинг позитив назорат гуруҳ хужайраларга ўхшашлиги, безнинг меъерий функциясини тикланганлигини билдиради (1-расм, Д).

Шундай қилиб, аллоксан-индуцирланган диабетда патоморфологик ўзгаришлар меъда ости безининг оралиқ тўқимаси ҳам, эндокрин оролчаларида ҳам яққол кузатилади. Экспериментал диабетик каламушларга туркестерон юборилиши меъда ости беши гистоструктурасида ва без тўқимасида дисциркулятор ҳамда яллиғланиш жараёнларининг тикланишига олиб келди. Эндокрин без ячейка хужайралари ўз морфологик ҳолатини қайта тиклаши, хусусан, цитоплазма тузилмаларининг гиперхром бўйлиши,

уларнинг функционал ҳолатини қайта тикланишидан далолат беради. Глибенкламиднинг аллоксан-индуцирланган диабетик каламушларга юборилиши ҳам меъда ости беzi тўқимасида дисциркулятор ва дистрофик ўзгаришларни тикланишига олиб келганлиги кузатилди.

*Меъда ости беzi тўқимаси α-амилаза фаоллиги.* Диабетик каламушларда меъда ости беzi α-амилазанинг специфик фаоллигига туркестероннинг таъсири бўйича натижалар 2-расмда келтирилди.



**2-расм.** Экспериментал диабет негизида туркестероннинг каламушлар меъда ости беziда α-амилаза фаоллигига таъсири (M±m; n=6)

Изоҳ: \*\*\*- P <0,001.


Диабетик каламушларда меъда ости беzi α-амилазанинг специфик фаоллиги позитив назоратга нисбатан тажрибанинг 5- ва 10-кунлари мувофиқ равишда 47,1% га ва 50,9% га ошди.

Аллоксан-индуцирланган диабетик каламушларга туркестерон ҳамда глибенкламид юборилиши натижасида меъда ости беzi α-амилазанинг специфик фаоллиги камайиб, физиологик эритма юборилган каламушларларда қайд этилган кўрсаткичлар даражасида кузатилди.

*Қон зардобини α-амилаза фаоллиги.* Аллоксан-индуцирланган диабетик каламушлар қонида тажрибанинг 5-куни α-амилаза фаоллиги 38,2% га 10-кунига эса 47,4% ошганлиги кузатилди.


Диабетик каламушларга туркестерон юборилиши натижасида кузатувнинг 5-куниёқ α-амилаза фаоллигининг позитив назорат кўрсаткичлар даражасида қайд этилиши ва тажрибанинг охиригача шу даражада сақланиб қолиши кузатилди.

Глибенкламиднинг диабетик каламушлар берилиши қон зардобидаги α-амилаза фаоллигига коррекцияловчи таъсири туркестероннинг эффектига аналогик эканлиги қайд этилди (3-расм).



**3-расм.** Экспериментал диабет негизида туркестероннинг каламушлар қон зардобидаги  $\alpha$ -амилаза фаоллигига таъсири ( $M \pm m$ ;  $n=6$ )  
Изоҳ: \*\* -  $P < 0,01$ .

*Ичак химусидаги  $\alpha$ -амилаза фаоллиги.* Барча тажриба гуруҳидаги каламушларда ичак химусининг проксимал қисмида  $\alpha$ -амилазага специфик фаоллиги аниқланди.




**4-расм.** Экспериментал диабетда туркестероннинг каламушлар ингичка ичак химусидаги  $\alpha$ -амилаза фаоллигига таъсири ( $M \pm m$ ;  $n=6$ )  
Изоҳ: \*\* -  $P < 0,01$ .

Экспериментал диабетда ичак химуси таркибида  $\alpha$ -амилазанинг специфик фаоллиги позитив назоратдаги каламушларга нисбатан тажрибанинг 5-куни 44,1% га, 10-куни 39,4% га камайди. Аллоксан диабетик каламушларга туркестерон ва глибенкламидларнинг юборилиши ичак химуси таркибидаги  $\alpha$ -амилазанинг специфик фаоллигини тажриба давомида позитив назорат катталиклари даражасига яқинлаштирди (4-расм).

Бу эса препаратлар таъсирида панкреатик секрецияси тикланишидан далолат бермокда.

*Ингичка ичак мукозасидаги  $\alpha$ -амилаза фаоллиги.* Физиологик эритма, аллоксан туркестерон ёки глибенкламид юборилган каламушлар ингичка ичак мукозасида ҳам  $\alpha$ -амилазанинг специфик фаоллиги аниқланди.



**5-расм.** Экспериментал диабетда туркестероннинг каламушлар ингичка ичак мукозасидаги амилаза фаоллигига таъсири ( $M \pm m$ ;  $n=6$ )  
Изоҳ: \*\*\* -  $P < 0,001$

Экспериментал диабетда ингичка ичак мукозаси таркибида  $\alpha$ -амилазанинг специфик фаоллиги тажрибанинг 5-куни 45,9% га, тажрибанинг 10-куни эса 45,1% га камайиши кузатилди.


Аллоксан диабетик каламушларга туркестерон ва глибенкламид берилиши ингичка ичак мукозаси таркибидаги  $\alpha$ -амилазанинг специфик фаоллигини позитив назорат гуруҳдаги каламушлар кузатилган катталикларгача ошишига олиб келди (5-расм).

Шундай қилиб, аллоксан диабетда  $\alpha$ -амилазанинг фаоллиги меъда ости безининг тўқимаси ва қон зардобидида ошиб, ингичка ичаги проксимал бўлимидаги химус ва мукозасида камаяди. Панкреатик фермент фаоллигининг меъда ости беши тўқимаси ва қонда кўпайиши, одатда меъда ости беши деструктурланиши, яллиғланиши ва панкреатик йўлларнинг спазмида кузатилади. Бундай патологик ўзгаришлар меъда ости беши ширасининг инкрецияси, яъни қонга ўтиши ортиб, ичак бўшлиғига ажралиши, яъни секрециясининг камайишига олиб келади. Бу белгиларнинг барчаси аллоксан-индуцирланган диабетик каламушларда панкреатитга хос бўлган белгиларнинг ривожланишидан далолат беради.

Диабетик каламушларга туркестероннинг юборилиши  $\alpha$ -амилаза секрециясини ва инкрециясини позитив назорат даражасига яқинлаштирганлиги, туркестеронни антипанкреатик восита сифатида ҳам қўллаш мумкинлигини кўрсатади.

*Ингичка ичакнинг гистоструктураси.* Микроскопик текширувлар шуни кўрсатдики, позитив назорат назорат каламушлар гуруҳида ингичка ичак деворининг эпителий қатламида унинг структура бирликлари бўлган ворсинка ва крипталар параллел жойлашган бўлиб, яхши ифодаланган. Ингичка ичак девори нисбатан қалин ва шиллиқ ости қавати нозик толали бириктирувчи тўқимадан ташкил топган бўлиб, таркибида юпқа деворли қон томирлари ва лимфа томирлари қайд этилди. (6-расм, А).

Негатив назорат каламушлар гуруҳида ингичка ичак шиллик пардасида кескин патоморфологик ўзгаришлар ичак девори нисбатан юпқа ва оралик тўқимаси бироз шишга учраганлигида, шиллик пардаси ворсинкалари деформацияланган ва десквамацияланганлиги билан ифодаланади. Ворсинкаларнинг юзасидаги қопловчи эпителийси дистрофия ва деструкция ҳолатида эканлиги қайд этилди. Ингичка ичак шиллик пардаси ундаги безларнинг гиперплазияланишидан, оралик тўқимасида яллиғланиш юзага келган ва лимфоид инфильтрация кўпайиши сабабли крипталари саёзлашган, гиперплазия оқибатида юзасидаги ворсинкалари катталашиб, қалинлашган бўлиб кўринди. Шундай қилиб, аллоксан диабет таъсирида каламушлар ингичка ичагида энтеропатия ва энтероколитга хос морфологик ўзгаришлар келиб чиқади (6-расм, Б).



**6-расм.** Назорат ва тажриба гуруҳ каламушларда ингичка ичак девори гистоструктураси. А - позитив назорат; Б - негатив назорат. С - аллоксан-индуцирланган диабет негизида туркестерон юборилган каламушлар; Д- аллоксан-индуцирланган диабет негизида глибенкламид юборилган каламушлар; Бўёк: Г-Э; ок. 10, об.20. Микроскоп: Leake DN-300M, Германия.М, Германия.

Туркестероннинг юборилиши экспериментал диабетик каламушлар ингичка ичак шиллик пардасида юзага келган патоморфологик ўзгаришларни камайишига олиб келди. Диабетик каламушларда туркестерон таъсири натижасида ингичка ичак шиллик пардасидаги калталанган ва шишган ворсинкаларнинг деформацияланиши деярли йўқолди.

Шиллик қаватида ворсинкаларнинг узунлиги ва крипталарнинг чуқурлиги ошиб, ворсинкаларнинг жойлашув зичлиги қалинлашди. Туркестероннинг аллоксан-индуцирланган диабетик каламушлар шиллик

каватдаги коррекцияловчи таъсири яллиғланиш, дистрофия, деструкциясининг камайишида яққол намоён бўлди (6-расм, С).

Демак, бу гуруҳда диабетик каламушларда кузатилган ичакдаги ўзгаришлар туркестерон таъсирида ривожланган сурункали энтеропатия ва энтероколитга хос морфологик ўзгаришларни сезиларли даражада меъёрлашувига олиб келди.

Аллоксан-индуцирланган каламушларга глибенкламид юборилиши натижасида ичак шиллик қаватида негатив назорат гуруҳда кузатилган ворсинкаларнинг калталашуви сақланган бўлса ҳам, шиллик ва шиллик ости қаватлардаги эдемаси қайтиб, крипталар дифференциялашуви кўринди. Ичак деворининг шиллик қаватининг шиши камайганлиги ва ворсинкалар гипертрофияланиши камайиши ва узунлашувида намоён бўлди. (6-расм, Д).

Шундай қилиб, позитив назорат гуруҳидаги каламушларда ингичка ичак шиллик қават юзаси бир текис эпителиоцитлар билан қопланганлиги ва крипталар аниқ ажралиб турганлиги қайд этилди. Аллоксан диабетик каламушларда эса ворсинкаларнинг сийраклашуви ва йўғонлашуви ҳамда крипталарнинг гипотрофияси кузатилди. Аллоксан диабетик каламушларга туркестерон ва глибенкламидларнинг юборилиши натижасида ворсинкаларнинг узайиши ва зичлашуви, крипталарнинг қайта дифференциялашуви рўй берди.

*Ингичка ичакдаги энтерал дисахаридазалар фаоллиги.* Экспериментал диабетда ингичка ичак шиллик қаватида дисахаридазалар специфик, яъни 1 г оксилга нисбатан ифодаланган фаоллигининг, туркестерон ва глибенкламид таъсирида ўзгаришлари бўйича натижалар 3-жадвалда келтирилди.

Натижалар шуни кўрсатдики, аллоксан-индуцирланган диабетик каламушлар ингичка ичак мукозасида мальтазанинг специфик фаоллиги тажрибанинг 5- ва 10-кунлари мувофиқ равишда 32,4% га ва 24,6% га ортиб кетди. Диабетнинг негизида туркестерон ва глибенкламидларнинг юборилиши фермент фаоллигини позитив назоратга яқинлашувига олиб келди.

### 3-жадвал

Экспериментал диабетда туркестероннинг каламушлар ингичка ичак мукозасидаги энтерал дисахаридазалар специфик фаоллигига таъсири (M±m; n=6)

| Ҳайвон гуруҳлари | Мальтаза<br>г/мин/г оксил |              | Сахараза<br>г/мин/г оксил |           | Лактаза<br>г/мин/г оксил |             |
|------------------|---------------------------|--------------|---------------------------|-----------|--------------------------|-------------|
|                  | Тажриба кунлари           |              |                           |           |                          |             |
|                  | 5-кун                     | 10-кун       | 5-кун                     | 10-кун    | 5-кун                    | 10-кун      |
| ПН               | 680,4±35,2                | 744,8±38,5   | 58,5±5,2                  | 74,5±7,1  | 12,5 ±0,8                | 14,3 ±1,4   |
| НН               | 900,1±58,1***             | 929,5±50,1** | 92,2±8,7***               | 98,1±9,5* | 21,8±0,9***              | 25,7±1,9*** |
| АД+Т             | 726,5±40,5                | 758,1±41,9   | 65,8±6,1                  | 68,2±6,2  | 15,4±0,7**               | 16,5±1,2    |
| АД+Г             | 791,8±46,4                | 785,6±35,2   | 68,4±5,7                  | 69,5±6,7  | 16,2±0,9**               | 17,1±1,3    |

Изоҳ: \* – P < 0,05; \*\* – P < 0,01; \*\*\* – P < 0,001.

*Сахараза.* Сахаразанинг специфик ва интегратив фаоллиги ҳам позитив назорат гуруҳи каламушларида, негатив назорат, яъни аллоксан юборилган

каламушларда ҳамда аллоксан-индуцирланган диабет негизда туркестерон ва глибенкламид юборилган каламушларда солиштирилди.

Экспериментал диабетда каламушлар энтероцитлар мембранаси билан боғлиқ бўлган сахаразанинг специфик фаоллиги мальтаза фаоллиги сингари ортиб кетди. Фермент фаоллигининг бундай ошиши тажрибанинг 5-куни 57,7% ни, 10-куни 31,7% ни ташкил этди. Диабетик каламушларга туркестерон ва глибенкламид юборилганда кейин энтерал сахараза фаоллигининг камайиши кузатилди. Аллоксан-индуцирланган диабетик каламушларга туркестерон берилганда бу камайиш тажрибанинг 5-куни 28,6% ни ва 10-куни эса 30,5% ни ташкил этди.

*Лактаза.* Ингичка ичак мукоза қаватдаги лактазанинг специфик фаоллиги аллоксан-индуцирланган диабетик каламушларда физиологик эритма юборилган каламушларга нисбатан кузатувнинг 5- ва 10-кунлари мувофиқ равишда 74,4% га ва 79,7% га ортиб кетди. Туркестерон диабетик каламушларга юборилгандан кейин кузатувимизнинг биринчи 5 кунлигида фермент специфик фаоллигининг индукцияси 23,2% га, иккинчи беш кунлигида эса лактазанинг фаоллиги позитив назорат даражасида қайд этилди.

Шундай қилиб, натижалар шуни кўрсатмоқдаки, экспериментал диабетда кузатилган меъда ости беги патогистологик, секреция ва инкрециясидаги ўзгаришлар туркестероннинг таъсирида меъёрлашмоқда. Унинг таъсир этиш самараси антидиабетик препарат глибенкламиддан кам эмас ва аллоксан-индуцирланган диабетда кузатилган энтеропатологик ўзгаришларни коррекцияланишида ҳам ифодаланган. Туркестероннинг полифункционал позитив таъсирга эга бўлиши нафақат қандли диабетни, балки унинг асоратларини коррекциялаш учун ҳам қўллаш мумкинлигини кўрсатади.

## ХУЛОСАЛАР

1. Аллоксан-индуцирланган диабетда каламушлар тана, меъда ости беги, ингичка ичак массалари камаяди. Диабетик каламушларга туркестерон юборилиши натижасида тана ва хазм органларининг массаси тикланиши кузатилади.

2. Экспериментал диабетда қон зардобиддаги глюкоза миқдорининг ошиши ҳамда инсулин, С-пептид миқдорининг камайиши рўй беради. Аллоксан-индуцирланган каламушларга туркестероннинг таъсирида нормогликемия негизда, инсулин ва С-пептидларнинг миқдорининг ошиши физиологик меъёрларгача етиб бормайди. Демак, қон зардобиддаги глюкозани меъёрлашувида бошқа механизмлар ҳам иштирок этади.

3. Аллоксан диабетда меъда ости бегида эндокрин оролчаларнинг деструкланиши,  $\beta$ -ҳужайралар сонининг камайиши, тўқимада капиллярларнинг кенгайиши, ацинуслар вакуолизацияси, яллиғланиши ва некробиози каби патоморфологик ўзгаришлари юзага келади. Диабетик каламушларга туркестеронни юборилиши меъда ости тўқимасида

дисциркулятор ўзгаришларни меъёрлаштириб яллиғланишнинг камайиши, оролчалар ва ацинуслар структурасининг регенерацияси,  $\beta$ -хужайралар сонининг ошишига олиб келмоқда. Демак туркестерон, кандли диабетда меъда ости безининг гистоструктурасига регенертив ва антиинфламатор таъсир кўрсатади.

4. Аллоксан-индуцирланган диабетик каламушларда меъда ости безида ва қон зардобида  $\alpha$ -амилазанинг специфик фаоллиги ошиб, ичак химуси ҳамда мукозасида, аксинча, камаяди. Диабетик каламушларга туркестероннинг юборилиши меъда ости безида, қон зардобида ва химусда  $\alpha$ -амилаза фаоллигининг гомеостазини меъёрлаштиради. Демак, туркестерон экспериментал диабетда меъда ости беги инкрециясини камайтириб, секрециясини оширишга олиб келади.

5. Экспериментал диабетда каламушлар ингичка ичак шиллик қаватида ворсинкалар яллиғланиши, баландлигининг камайиши, крипталарнинг емирилиши кузатилади. Туркестерон инъекциялари диабетик каламушларда ичак ворсинкаларининг баландлиги ва зичлигини оширишига, крипталар дифференциялашувига ва эдемасини камайишига олиб келади. Демак, туркестероннинг регенератив ва антиинфламатор хоссалари нафақат панкреоцитларда балки энтероцитларда ҳам ифодаланади.

6. Аллоксан диабетда каламушларда мембрана билан боғлиқ бўлган энтерал мальтаза, сахараза ва лактазалар фаоллигининг индукцияси кузатилади. Демак, диабетик каламушларда туркестероннинг таъсирида ичак дисахаридазалар фаоллигининг тикланиши энтероцитдаги регенератив жараёнлари билан боғлиқ.

7. Туркестеронни антидиабетик, антипанкреатик ҳамда ингичка ичак шиллик қаватининг дисфункциясида коррекцияловчи полифункционал препарат сифатида тавсия қилиш мумкин.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD. 03/30.12.2019.В.02.08 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ САМАРКАНДСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА**

**РОХИМОВА ШИРИН ОЛЛАНАЗАРОВНА**

**ВЛИЯНИЕ ТУРКЕСТЕРОНА НА АССИМИЛЯЦИЮ  
НУТРИЕНТОВ ПРИ ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОМ ДИАБЕТЕ**

**03.00.08 – Физиология человека и животных**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Самарқанд - 2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2018.1.PhD/В150.**

Диссертационная работа выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** **Кучкарова Любовь Салижановна**  
доктор биологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Матчанов Азат Таубалдиевич**  
доктор биологических наук, профессор

**Хайитов Даврон Гайбуллаевич**  
PhD по биологическим наукам

**Ведущая организация:** **Гулистанский государственный университет**

Защита диссертации состоится « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2020 года в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.B.02.08 при Самаркандском государственном университете (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, дом 15. Конференц-зал факультета Биологии Самаркандского государственного университета. Тел.: (+99866) 239-11-40, факс: (+99866) 239-11-40, E-mail: [devonxona@samdu.uz](mailto:devonxona@samdu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрировано под № \_\_\_\_). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, дом 15, Центр информационных ресурсов. Тел.: (+99866) 239-11-51. E-mail: [m\\_nasrullayeva@mail.ru](mailto:m_nasrullayeva@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан: « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2020 года.  
(реестр протокола рассылки № « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2020 года)

**З.Т. Ражамуродов**  
Председатель научного совета по  
присуждению ученой степени,  
д.б.н., профессор

**М.С Кузиев**  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученой степени, PhD по  
биологическим наукам

**Х.К. Хайдаров**  
Председатель научного семинара при  
научном совете по присуждению  
ученой степени, д.б.н., профессор.

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшний день Всемирная Организация Здравоохранения объявила сахарный диабет эпидемией XXI века. Расширение распространения диабета вызывает глобальные медицинские и социальные проблемы<sup>4</sup>. Согласно статистике Международной диабетической федерации, в 2019 году в мире зарегистрировано 463 миллионов заболевших диабетом людей<sup>5</sup>. Диабет, поражая практически все функциональные системы, снижает физическую и умственную работоспособность и сокращает продолжительность жизни. Востребованность в фитопрепаратах, обладающих многофункциональными позитивным влиянием и отсутствием побочных эффектов при лечении диабета, в последние годы увеличивается. Поэтому создание эффективных противодиабетических препаратов из биологически активных веществ, выделенных из местных растений, является одной из самых актуальных задач.

На сегодняшний день в мировом масштабе широко изучаются физиологические и молекулярные механизмы диабета и его негативные последствия. Особое внимание уделяется выявлению безвредных антидиабетических фитопрепаратов, обладающих профилактическими и корректирующими свойствами. В связи с этим выявленные анаболические, стресспротекторные, антиоксидантные, антирадикальные, бактерицидные, иммуномодулирующие, адаптогенные и гипогликемические свойства фитостероидов привлекают внимание специалистов. Требуются новые подходы для разработки эффективных методов коррекции осложнений в гистоструктуре и гидролитической активности поджелудочной железы и других органов пищеварения при диабете на основе глубокого исследования полифункциональных свойств фитостероидов. Разработка эффективных методов профилактики и лечения диабета экологически приемлемыми средствами является одной из актуальных задач современной диабетологии.

В настоящее время в нашей стране принимаются масштабные меры по обеспечению недорогими и качественными лекарственными средствами и импортозамещающими фармакологическими препаратами, полученных на основе местного сырья, для профилактики и лечения диабета. В 4-ом направлении Стратегий действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан<sup>6</sup> определены важные задачи по «... развитию фармацевтической промышленности, а также улучшению обеспечения населения и медицинских учреждений дешевыми, качественными лекарственными препаратами». В связи с этим важно выявить эффективные и недорогие

---

<sup>1</sup>[https://www.who.int/health-topics/diabetes#tab=tab\\_1](https://www.who.int/health-topics/diabetes#tab=tab_1)

<sup>2</sup><https://www.diabetesatlas.org/en/sections/worldwide-toll-of-diabetes.html//idf.org/>

<sup>3</sup>Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № Ф ПФ-4947 «О стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан».

фармацевтические полифункциональные препараты полученные из местных растений, заменяющие импортные аналоги.

